

## КИЧИК ЁШДАГИ БОЛАЛАРГА ХОС ВОКАЛИЗАЦИЯ (ЎЗБЕК ВА ХИТОЙ БОЛАЛАРИ НУТҚИ МИСОЛИДА)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7734052>



ELSEVIER



Foundation of Advanced Research Scholars

**Mahkamova Durdona Ne'matovna**

Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti  
durdonamahkamova7@mail.com  
Vocalization in young children  
(in the sample of Uzbek and Chinese children's speech)



**Abstract:** Child's speech is an important stage of the process of ontogenesis. Psycholinguistics studies child's speech as speech activity from pure linguistic point of view. Child's speech is specific level in ontogenetic development of speech, and as a research field, it studies patterns of development of pre-school-aged and school aged children's speech.

In this article, phonological aspects of acquisition of mother tongue in Uzbek and Chinese children are analyzed. Studying language acquisition process, we can see the influence of gender and social-cultural environment. We observed acquisition of some vocals and consonants earlier than other sounds; difficulties in pronouncing some consonants; similarities of phonetic phenomena in vocalization process. There are phenomena which similar to all world languages in the patterns of language acquisition, which increases the importance of this field.

**Keywords:** psycholinguistics, speech activity, child's speech, the process of ontogenesis, vocalization, gender, social and cultural environment.

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Received: 12-03-2023

Accepted: 13-03-2023

Published: 22-03-2023



Foundation of Advanced Research Scholars

**Abstract:** Психолингвистика йўналиши онтогенез жарарёнининг муҳим босқичи бўлган бола нутқига нутқий фаолият сифатида соф тилшунослик нуқтаи назаридан ёндашади. Бола нутқи – бу нутқнинг онтогенетик ривожланишидаги ўзига хос босқич бўлиб, мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болаларнинг нутқидаги тараккиёт қонуниятларини урганади. Ушбу мақолада ўзбек ва хитой болалари ўз она тили тизимини эгаллашини, унинг фонологик жиҳатдан қандай амалга оширилиши тадқиқ қилинади. Тил тизимини ўзлаштириш орқали болалар нутқида гендер ва ижтимоий-маданий муҳитнинг таъсирини кўриш мумкин. Ўзбек ва хитой болаларига хос вокализация жараёнида муайян унли ва ундош товушларни бошқаларидан аввалроқ эгаллашлари; баъзи ундош товушларнинг ифода этилишида кийинчиликлар юзага келиши; фонетик ходисаларнинг болалар нутқида муштарак ҳолатда намоён бўлиши кузатилади. Болаларнинг тил ўзлаштириш қонунлари бутун дунё тиллари гўдақларида ҳам бирдек учровчи муштарак ҳолатларнинг кўплиги билан муҳим аҳамият касб этади.

**Keywords:** психолингвистика, нутқий фаолият, бола нутқи, онтогенез жараёни, вокализация, гендер, ижтимоий-маданий муҳит.

**About:** FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Received: 12-03-2023

Accepted: 13-03-2023

Published: 22-03-2023

Бугунги кунда инсоннинг нутқий қобилиятида тиллараро таъсирларни ёритиб бериш социолингвистика, психолингвистика ва лингвокультурологиянинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Тил ўзлаштириш жараёнини яхлит механизм сифатида нутқий фаолият онтогенезида бевосита кузатиш ҳамда таҳлил қилиш мумкин. Боланинг тил чиқариши ва сўзлай бошлаши масаласи дунё олимларини қадим замонлардан бери қизиқтириб келган. Инсоннинг ақлий салоҳияти йиллар давомида ижтимоий билим ва тажрибалар натижасида шаклланиб боради. Табиийки, гўдақларда бу қобилият кўп жиҳатдан чекланган бўлади, шунга

қарамасдан бола ўз она тили тизимини 4-5 йил ичида тўлиқ ўзлаштириб олади. Бола тил ўзлаштиришни муайян қоидалар асосида амалга оширади. Бу, албатта, тилни ўзлаштириш, шу тилдаги сўзлар ва уларнинг маъно моҳиятини тушуна бориши билан изоҳланади. Бола ижтимоийлашув жараёнида унинг нутқий хулқи шаклланади, натижада унинг жинсидан қатъи назар гендер жиҳатдан маълум хосланиш кузатила боради.

Бугунги кунда психоллингвистикасида олиб борилаётган тадқиқот ва кузатиш натижаларида болада нутқ маҳсулининг пайдо бўлиши ва шаклланиши ҳодисаси эркин амалга ошиши, бола тил ўзлаштиришга ўзига хос ёндашиши таъкидланади. Боланинг лисоний “кашфиётлари”, тил тизимида, хусусан, грамматик структурада ижодий “изланиши”, ўз хатоларини ўзига хос тарзда тузатиши, ўзига қаратилган нутқни қай даражада тушуниши ва унга жавоб қайтариши – бу жараёнларнинг ҳаммасини у катталарнинг онгли аралашувисиз амалга оширади. Ушбу хулосалар бола нутқи ҳақидаги анъанавий назарияларни рад қилади. Тилни эгаллашга қаратилган психоллингвистик тадқиқотлар инсон ривожланиши табиатининг анъанавий психологик қарашларига танқидий ёндашишни талаб қилади.

Бутун дунё болаларида онтогенез жараёни муайян тизим асосида амалга ошади. Ўзбек болалари ҳам аввал маълум унли товушларни, кейин унлиларнинг барчасини ва муайян ундош товушларни алоҳида-алоҳида, кейинчалик унли ва ундош товушларни қўшган ҳолда ифода этиши қайд этилади. Ўзбек тили морфологик қурилишига кўра агглютинатив тиллар гуруҳига киради. “Агглютинатив тиллар сўз ясалиши ва шакл ясалиши агглютинация (сўз ясалиш ёки шакл ясалиш асоси ўзгармаган ҳолда янги сўз ёки сўз шакли ҳосил бўлиши) йўли билан бўладиган тиллардир<sup>50</sup>. Бола нутқига тилнинг морфологик тузилиши қай даражада таъсир этиши, грамматик қурилиши бошқача бўлган тилни эгаллаш жараёни қай ҳолда намоён бўлишини ўзбек ҳамда хитой тилларининг жажжи вакилларидаги тил ўзлаштириш жараёнини қиёсий ўрганилди. Хитой тили тузилишига кўра аморф тил, бу аффиксларга эга бўлмаган, сўзлар орасидаги грамматик алоқалар битишув йўли билан ёки ёрдамчи сўзлар воситасида ифодаланадиган тиллардир<sup>51</sup>.

Ўзбек ва хитой болаларининг тил эгаллаш жараёнида кўп муштарак жиҳатлар мавжуд. Бу ҳар бир бола, у қайси давлатда туғилиши, қайси миллатга мансублиги, қандай ижтимоий-сиёсий тузумда вояга етаётгани, жинсидан қатъи назар, муштарак социологик тамойиллар, психологик

<sup>50</sup> Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. –Тошкент: 2002. Б- 9.

<sup>51</sup> Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. –Тошкент: 2002. Б- 13.

қонуниятлар асосида амалга ошишини кўрсатади. Ижтимоийлашув жараёни натижасида боланинг нуткида у мансуб бўлган маданият белгилари аста-секин намоён бўла боради. Бу яқинлик болалар нутқи ривожига янгича ёндашишни талаб этади.

Боланинг тил ўзлаштириши турли тил вакиллари томонидан муайян муштарак қонуниятлар асосида кечади. Масалан, илк товушлар, ифодалар, коммуникатив вазифа бажарувчи тақлидий сўзлар, номлар ва новербал воситалар ўзбек ва хитой болаларида, умуман, барча тил соҳибларида бир хил такрорланади. Мазкур ходиса А.Н.Леонтьев, А.Р.Лурия, Д.Б.Эльконин, Ҳ.Вернер, Б.Каплан, А.М.Шахнарович, П.Я.Гальперин, А.Н.Гвоздев<sup>52</sup> каби олимларнинг тадқиқотларида ўрганилган.

Инсон дунёга келган кунидан бошлаб муайян нутқий мулоқот муҳитида ривожлана боради ва маълум коммуникатив таъсирга тушади: унга қараб табассум қилишади, турли эркаловчи сўзлар айтишади. Гўдак атрофдаги ҳаракатларни нигоҳи билан кузата бошлайди, турли овоз ва товушларни эшитишади, унга гапираётган одамга диққатини қаратади, йиғидан тўхтайдди. 2-3 ойлик чақалоқда қичқириқ ва қийқириқ пайдо бўлади, аммо бу ҳолатлар нутқий белги бўла олмайди, чунки бола нутқ аппаратини оёқ ва қўлларини қимирлатгани каби машқ қилдиради. Бу даврда бола, асосан, унли товушларни узун оҳангда айта бошлайди. Шу билан бирга, унинг талаффузида баъзи ундош товушлар ифодаси ҳам кузатилади. Нутқ аппаратини бундай машқ қилдириш натижасида 4-5 ойларга борганда бола нуткида “ғудраниш” \* деб номланган ўзига хос давр бошланади. Бунда у бир товушни ёки товушлар бирикмасини кетма-кет тўхтамасдан талаффуз қилади; унли товушлар ва бир неча ундош товушлар билан бирга ўзига хос товуший ифодани шакллантиради: *а-а-а-а-а*, *ув-ув-увв*, *ба-баб-бааа*, *бабуув*, *дааадда*, *ата-та* ва ҳоказо. Бу гўдакнинг ўзига хос “муסיқасига” ўхшаб кетади, чунки товуший ифодаларни оҳанг ёрдамида турли “куй”га солиб айтади.

Айни ҳолат хитой болалари нуткида ҳам кузатилади. Хитойлик гўдак ўз нутқ аппаратини машқ қилдира туриб, ўзбек ёки бошқа миллат болалари илк даврда талаффуз қилиши мумкин бўлган товуший ифодаларни талаффуз қилади.

Ўдраниш ходисасининг барча миллат болалари учун муштараклиги шундаки, кўп тилларда айнан бир хил унли ва ундош товушлар мавжуд.

<sup>52</sup> Леонтьев А.Н. Проблемы развития психики. - М., 1966; Лурия А.Р. Мышление и речь. - М.: МГУ, 1970.; Эльконин Д. Б. Развитие речи //Психология детей дошкольного возраста. - М., 1964; Werner Н., Kaplan В. Symbol formation. - N.Y., 1963; Шахнарович А.М. Национальное и универсальное в развитии речи ребёнка //Национально-культурная специфика речевого поведения. - М., 1977; Гальперин П.Я. Развитие исследований по формированию умственных действий //Психологическая наука. Т.1. - М., 1959; Гвоздев А.Н. Вопросы изучения детской речи. - М., 1961.

\* Ўдраниш – бу аниқ артикуляриланмаган товуш бирикмасидир. Қаранг: Сайдирахимова Н. Мактабгача ёшдаги ўзбек болалар нутқининг лингвистик хусусиятлари. Номз.дисс.авторреферати. - Тошкент, 2004. Б- б.

Тилнинг кичик вакили артикуляцион аппарати ни машқ қилдираар экан, энг аввал шу товушларни ифодалай бошлайди. Шунингдек, унли ва ундош товушлар комбинацияси ҳам ўзаро тиллар турли бўлишига қарамасдан бир бирига ўхшаш товуший бирикмаларнинг ҳосил бўлишига сабаб бўлади.

Унли товушлар тизими ҳар иккала тил вакиллари нутқида деярли бир хил талаффуз қилинади:

| Ўзбек болалари нутқида | Хитой болалари нутқида |
|------------------------|------------------------|
| <i>a / a:</i>          | <i>a / a:</i>          |
| <i>y / y:</i>          | <i>u / u: / y:</i>     |
| <i>o / o:</i>          | <i>o / o:</i>          |
| <i>u / u: / y</i>      | <i>i / i: / y</i>      |
| <i>э / э:</i>          | <i>e / e:</i>          |
| <i>ў / ў:</i>          |                        |
|                        | <i>ye: / yue</i>       |

Бола товушларни талаффуз қила бошлар экан, улар ўртасидаги фарқ ва яқинликни илғай бошлаши ва буни нутқий коммуникацияга татбиқ қилиши унинг она тили тизимини онгли равишда ўзлаштираётганидан далолат беради.

Ўдраниш даври бола лисоний ҳаётида муҳим давр ҳисобланади, чунки бу товуший ифодалар боланинг одамлар ва атрофдаги нарса-предметлар билан мулоқотга киришишига тайёргарлик даври бўлиб, у катта ёшли одамлардан эшитган товушига тақлид қилишга уринади. Худди шу ҳолат ўзбек болаларида ҳам, хитой болаларида ҳам бирдек кузатилади. Ўдакнинг товушларга тақлид қилиш ҳаракатидан бошида бирон натижа чикмайди, унинг товушларни бир-биридан ажратиши қийин. Лекин унда бу тизимнинг шаклланишининг ўзи муҳим аҳамиятга эга. Бу жараён хитой болалари нутқида алоҳида эътиборга эга. Чунки хитой тилида оҳанг етакчи ўрин тутаяди. Бола теваарак-атрофда бир-биридан фарқ қилувчи товушлар кўшлигини англай боради. Бу унинг товушлар ёрдамида илк бўғинларни ҳосил қилишида кўринади (6 ойлик болаларда бўғинлар орқали ўдраниш кучли кузатилади): *агу-гу-гу, агу-гууу, нан-на, та-та, да-да*. Бу даврда болада нутқ маҳсули ҳали йўқ, лекин маълум фонологик тизим шаклланади. Бола унли ва ундош товушларни кетма-кетликда талаффуз эта бошлайди. Муайян “ундош” товушлар дифференциацияси тузилади: *лаб-тиш, бурун оралиғида талаффуз қилинувчи б, бм, м, д, т, н, нг, нг* (баъзи товушларнинг қаттиқ ва юмшоқ вариантлари ҳам кузатилиши мумкин) ва тил орқа-бўғиз оралиғида ҳосил қилинган *ч, к, чх, кх, гг, гг, бг* товушларидир. Бу икки хил товушлар

композициясини гўдак ўзича концентрация қила бошлайди, бунда ундош товушларга унли товушлар ҳам жўр бўлади.

Боланинг тил товуш тизимини эгаллаши босқичма-босқич амалга ошади. Дастлаб ўзбек болалари ўз нутқида *б, м, к, п, в, д, т* каби товушларни, хитой болалари *р, т, п, в, һ, т* каби товушларни аниқ фарқлайди, бироқ у талаффузига кўра яқинликни ташкил қилувчи жарангли-жарангсиз вариантдаги коррелятив товушларни ажратмайди.

Бола ривожланишининг илк даврларида унинг нутқида айрим товушларнинг ўзлаштирилиши осон кечади. Тил хусусиятларидан қатъи назар, ўзбек болалари ҳам, хитой болалари ҳам, асосан, қуйидаги товушларни энг аввал ўзлаштиришлари аниқланди: *б, п, м, ф, в, т, д, н, к, г, х, ҳ*. Кўринадики, хитой болалари ўзбек болаларига нисбатан товушларни жарангсиз ва юмшоқроқ талаффуз қиладилар. Бу хитой тилининг талаффуз меъёрлари билан боғлиқдир.

Бола маълум товушни талаффуз этишда қийналиши мумкин, лекин унинг айнан қандай жаранглашини билади. Қуйидаги мисолдан бу ҳолат англашилади:

- Исминг нима?
- Темуй.
- Темуйми?
- Йўқ Темуй.
- Ҳа, Темурми?
- Ҳа, Темуй.

Бола (Искандаров Темурбек, 3 ёш) “*р*” товушини талаффуз қила олмасда, катта одамнинг унинг талаффузига тақлид қилиб, бузиб “*й*” тарзида айтганини тўғри деб ҳисобламайди. Демак, бола баъзи товушларни талаффуз қилишга қийналса ҳам, уларнинг қандай айтилишини билади.

Боланинг илк товушлари рефлекс ҳолатидаги табиий овозлар деб қаралса, онгли коммуникатив жараёнда қўллайдиган товушларини “маъноли товушлар” дейиш мумкин. Бу товушлар турли коммуникатив вазиятларда турли оҳанг ва темпда қўлланилиши кузатилади: мисол учун, 11 ойлик бола (Искандаров Жалолиддин) ўзига яқин турган ўйинчоқ (ёки исталган бошқа нарса-буюм)ни олиб бер маъносида қўлларини чўзиб, бармоқларини юмиб-очиб, “*-ы*” деган товуш чиқарса, ўзидан анча узоқда турган ўйинчоқ (ёки исталган бошқа нарса-буюм)ни “олиб келиб бер” маъноси нисбатан кучлироқ талаффуз билан “*-ыув*” дейди ва яна қўл бармоқларини ҳам ҳаракатлантиради.

Кичик ёш даврида бола нутқида дунёнинг барча тилларига хос товушлар мавжудлиги кузатилади; боланинг лисоний муҳити таъсири

натижасида аста-секин фақат она тили тизимида хос товушлар фонологик асос сифатида онгда тизимланади. Баъзи товушларни талаффуз қилиш болага 2 ёки 3 ёшга етганида ҳам қийинчилик туғдиради, масалан, ўзбек болалари учун – ш, ч, ц, р, ж; хитой болалари учун – zh, x, z, j, r каби товушлар. Шунинг учун боланинг ифодаларида ўзига хос фонетик ҳодисалар кузатилади. Ҳар иккала тил ташувчилари нуткида сирғалувчи с, з (x, s, z) товушлари, қоришиқ ш, ж, ч (sh, j, zh, ch, c) товушлари ва л, р (r) сонорлари қатнашган сўзларда бу товушлар ёки тушириб қолдирилади ёки бошқасига алмаштирилади. Масалан, ўзбек болалари нуткида: масу – мана шу, йаййа – яра, те – кел, дуӣ//туӣ – тур, той – чой, қосув – қошиқ, қўсув – қўшиқ каби. Хитой болалари нуткида қуйидаги мисолларни учратамиз: len – ren (одам), jungo – Zhongguo (Хитой), si – zhe (бу), zaosan – zaoshang (эрталаб) каби.

Болаларнинг она тили товуш тизимини эгаллаш жараёнининг қуйидаги хронологик босқичларини кўрсатиш мумкин:

| Ёш даври                         | Ўзбек болалари нуткида    | Хитой болалари нуткида      |
|----------------------------------|---------------------------|-----------------------------|
| Унли товушлар                    |                           |                             |
| 1 ойдан 3-4 ойгача               | а /а:/, у/у:/, и/ы/ь      | а /а:/, и /и:/у/у:/, о /о:/ |
| 3-4 ойдан 5-6 ойгача             | о /о:/, э /э:/, ў /ў:/    | і /і:/ы, е /е:/, уе /уе     |
| Ундош товушлар                   |                           |                             |
| 3-4 ойдан 5-6 ойгача             | б, м, в, н                | р, б, п, т                  |
| 5-6 ойдан 9-10 ойгача            | д, т, г, й, ш             | д, т, ф, г, к               |
| 9-10 ойдан 1 ёшу 1-2 ойгача      | к, х, қ, п, ф, с, з, ж, ч | х, с, қ, л, һ               |
| 1 ёшу 1-2 ойдан 1 ёшу 6-7 ойгача | ж, ч, л, қ                | z, zh, j, w                 |
| 1 ёшу 6-7 ойдан кейин            | р, ц                      | r                           |

Болада коммуникатив муҳит натижасида фонетик бўлинишга эга бўлган фонематик эшитиш қобилияти аста-секинлик билан шаклланиб боради. Ўзбек ва хитой болалари 1 ярим ёшга келиб барча унли ва муайян ундошларни (м, п, б, қ, г, т, д, н, в, ф, х, й) талаффуз қила олади.

Бола нуткида учровчи фонетик ўзгаришлар, биринчидан, уларнинг нутк ашаратига боғлиқ ҳолда, иккинчидан, бу ўзгаришлар товушларнинг ўзаро таъсири натижасида болалар талаффузига мослашиши асосида юз беради.

Агар ўзбек тили соҳиби нутқини алоҳида кузатадиган бўлсак, у кўп ундош товушларни юмшоқ талаффуз этади (ҳам – ейман, йикки – йикқилди). Товушларнинг аниқ талаффуз этилиши унинг сўздаги ўрнига боғлиқ. Масалан, агар сўз икки очик бўғиндан иборат бўлса, бола бундай сўзларни,

одатда, тўғри айтади (*дада, Лола, мама*). Агар сўз уч ва ундан ортиқ бўғинли бўлса, бола товушларни алмаштириши, тушириб қолдириши ҳам мумкин (*машина – пасина, велосипед – анипед, профессор – пийнастр*). Агар сўзда икки ундош ёнма-ён қўлланса ҳам, бола бу сўзни тўғри талаффуз этишда қийналади, кўпинча бундай сўзда товуш тушиши кузатилади: олма – *ома*, мактаб – *матап*, автобус – *атўбс*, китоб – *кита* каби.

Демак, бола жинси ва миллатидан қатъи назар, она тили тизимини маълум босқичларда эгаллай боради. Буни биз болалар нутқига хос вокализация жараёни мисолида кузатдик. У, энг аввало, унли товушларни, кейинчалик муайян ундош товушларни талаффуз эта бошлайди. Бора-бора унли-ундош товушлар композицияси бола тилида илк сўзлар, сўз бирикмалари ва гапларнинг шаклланишига хизмат қилади. Болалар тил тизимини ўзлаштирар экан, албатта, бу жараёнда ижтимоий-маданий муҳитнинг таъсири катта эканлигини таъкидлаш жоиз.

### ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Сайидираҳимова Н. Мактабгача ёшдаги ўзбек болалар нутқининг лингвистик хусусиятлари. Номз.дисс.автореферати. - Тошкент, 2004.
2. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. -Тошкент: 2002.
3. Гальперин П.Я. Развитие исследований по формированию умственных действий // Психологическая наука. Т.1. - М., 1959.
4. Гвоздев А.Н. Вопросы изучения детской речи. - М., 1961.
5. Леонтьев А.Н. Проблемы развития психики. - М., 1966.
6. Лурия А.Р. Мышление и речь. - М.: МГУ, 1970.
7. Шахнарович А.М. Национальное и универсальное в развитии речи ребёнка // Национально-культурная специфика речевого поведения. - М., 1977.
8. Эльконин Д. Б. Развитие речи // Психология детей дошкольного возраста. - М., 1964.
9. Werner H., Kaplan B. Symbol formation. - N.Y., 1963.